

ХАСАНБАЕВ Ўткир

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ректор маслаҳатчисиЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ
ИДОРАСИНИНГ РАДИКАЛИЗМ ВА
ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ
ТАЖРИБАСИОПЫТ ПРОТИВОДЕЙСТВИЯ
УПРАВЛЕНИЯ МУСУЛЬМАН
УЗБЕКИСТАНА РАДИКАЛИЗМУ И
ЭКСТРЕМИЗМУEXPERIENCE OF COMBATING TO
RADICALISM AND EXTREMISM
OF THE MUSLIM BOARD OF
UZBEKISTAN

Аннотация. Мақола республикада радикализм ва экстремизмга қарши курашида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг фаолиятини тадқиқ қилишга бағишланган. Диний идора томонидан мазкур соҳада ахборот-тарғибот, профилактика ва ижтимоий реабилитация йўналишида амалга ошириляётган ишлар ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: “радикализм”, “диний экстремизм”, ижтимоий реабилитация, ижтимоий тармоқлар, ахборот-тарғибот ишлари, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, ЎМИ Фатво маркази.

Аннотация: статья посвящена исследованию роли Управления мусульман Узбекистана в противодействии радикализму и экстремизму в республике. Раскрыта роль духовного управления в информационно-пропагандистской, профилактической и социально-реабилитационной работе в данном направлении.

Ключевые слова: “радикализм”, “религиозный экстремизм”, социальная реабилитация, социальные сети, информационно-пропагандистская деятельность, Управление мусульман Узбекистана, Центр фетв УМУ.

Abstract: The article studies the activities of the Muslim Board of Uzbekistan in the fight against radicalism and extremism in the republic. The work carried out by the religious office in the field of information-propaganda, prevention and social rehabilitation has been researched.

Keywords: “radicalism”, “religious extremism”, social rehabilitation, social networks, information and propaganda work, Muslims Board of Uzbekistan, Muslims Board Fatwa Center.

КИРИШ

Глобал оламда жаҳон ҳамжамияти олдида турган энг оғир муаммолардан бири дин никобидаги радикал гуруҳларнинг фаолиятига қарши кураш муаммоси ҳисобланади.

Таассуфки, бугунги кунда экстремистик ва террорчи гуруҳларнинг салмоқли қисмини ўз мақсадлари ёки муайян сиёсий доирларнинг геосиёсий манфаатларини амалга оширишда ислом дини таълимотини сиёсийлаштираётган кучлар ташкил этмоқда.

Жумладан, дин никобидаги радикализм ва экстремизм мафкураси Марказий Осиё минтақасида ҳам давлат, жамият ва шахсга деструктив таъсир ўтказмоқда. Минтақа мамлакатлари мустақилликка эришгандан буён ўтган даврда муайян гуруҳлар учун диний омил сиёсий экстремизм ва халқаро терроризм учун никоб вазифасини ўтаб келмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2022 йил 20 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида бугунги кунда мутаассиблик, экстремизм ва терроризм таҳдиди ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни қатъий таъкидлади: “Биз жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузгунчи ёт гоёлар билан захарлашга, диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз” [1].

Бугунги кунда илмий доираларда дин никобидаги радикализм ва экстремизм тушунчаларига ягона ёндашувни шакллантириш ёқлаб чиқилса-да, турли илмий, сиёсий ва диний омиллар сабабли ҳозирга қадар уларга нисбатан умумэтироф этилган таърифлар шаклланмаган.

Жумладан, “радикализм” тушунчаси шахснинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг муайян соҳасидаги жорий ҳолатни тубдан ва тўлиқ ўзгартириш хохиш-истакларини англатади. Замонавий тадқиқотлар ва илмий адабиётларда радикализм кўпроқ тубдан

ижтимоий ўзгаришлар амалга оширишни қўллаб-қувватлаш ва қатъий чора-тадбирлар қўришга асосланган назарий ва сиёсий амалиёт мазмунида ифода этилмоқда [2:45; 3:56].

Шу нуктаи назардан диний радикаллашувга мутаассиб ғоялар таъсирида шахснинг диний қараишларини мўтадилликдан экстремизм тарафига ўзгариб бориш жараёни сифатида таъриф бериш мумкин.

Ўз навбатида, аксарият тадқиқотчилар “диний экстремизм” тушунчасини экстремизмнинг муайян кўриниши сифатида эътироф этадилар. Масалан, А.Хоровинников диний экстремизм сиёсий экстремизмнинг муайян диний таълимот остига яширинган шакли сифатида эътироф этади [4:7-8].

Бошқа ёндашувларда, хусусан, тожикистонлик олим Н.Д. Махмадиев, россиялик О.Белый, А.Кузьмин диний экстремизмни “Фақат ўзга дин ёки конфессия вакиллари мурасасиз бўлишда ифодаланади”, деб ҳисоблайди [5].

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида “диний экстремизм” сифатида “баъзи диний ташкилотлар ёки айрим диндорларнинг жамият қонун-қоидаларига мос келмайдиган мафкураси ва фаолияти экани ҳамда ушбу ижтимоий ҳодиса турли динларда мавжуд экани, унинг тарафдорлари ўз олдларига сиёсий мақсадлар қўйиши” кайд этилган [8:305-306].

АСОСИЙ ҚИСМ

Мустақилликнинг илк йилларидан Ўзбекистонда фуқароларнинг диний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда миллий ва диний бағрикенглик муҳитини қарор топтириш ва мустаҳкамлаш, турли бузгунчи ғояларнинг аҳоли, айниқса, ёшлар орасида тарқалишини олдини олишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Айниқса, Янги Ўзбекистон даврида радикализм, экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўналишида мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратган ҳолда, ушбу таҳдидларнинг сабаб ва омилларини бартараф этишга йўналтирилган ахборот-тарғибот, профилактика, дерадикализация ва ижтимоий реабилитация ишларини ташкил этиш, фуқароларнинг диний

ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлигини, жамиятда диний бағрикенгликни таъминлашга асосланган ўзига хос “ўзбек модели” яратилди.

Жамиятда диний бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлаш, радикализм ва экстремизм мафкуранинг тарқалишини олдини олишда мусулмонларнинг марказлашган диний ташкилоти ҳисобланган Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг фаолияти муҳим ўрин тутмоқда.

2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра ЎМИ таркибида 2146 та диний ташкилот, жумладан, марказий идора, Қорақалпоғистон мусулмонлари қозияти, ЎМИнинг вилоятлар ва Тошкент шаҳар вакилликлари, ТИИ, “Мир Араб” Олий мадрасаси, Ҳадис олий мактаби, 10 та мадраса, 2118 та масжид фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, диний идора ҳузурида Имом Термизий илмий-тадқиқот маркази, “Шамсуддинхон Бобохонов” нашриёт-матбаа ижодий уйи МЧЖ ва “Вақф” хайрия жамоат Фонди ЎМИ ташкил этилган.

Янги Ўзбекистонда ЎМИ томонидан аҳолига соф ислом маърифатини тушунтириш, диний мутаассиблик ва экстремизм ғоялари таъсирдан сақлаш, фуқароларда бузгунчи ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш, экстремистик ва террорчи ташкилотлар таркибида содир этган жинояти учун жазо ўтаб келган шахслар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоийлаштириш йўналишларида фаол иш олиб бормоқда.

ЎМИ дин ниқобидаги радикализм ва экстремизмга қарши ахборот-тарғибот, аксилтарғибот ва профилактика ишлари давлат ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорликда, асосан қуйидаги шаклларда амалга оширилмоқда:

- телевидение ва радиодаги махсус теледастур ва радиоэшиттиришлар;
- Интернет ва ижтимоий тармоқларда босма, аудио, видеоматериаллар, баннерлар тарқатиш;
- давра суҳбатлари, учрашувлар, умумий ва яқка тартибдаги профилактик тадбирлар уюштириш;
- ЎМИнинг даврий нашрларида мақолалар чоп этиш;
- жума маърузаларида радикал ғояларга қарши мавзуларни ёритиш;

– радикал ва экстремистик ғоялар таъсирида бўлган фуқароларни реабилитация қилиш ва ижтимоийлаштиришда иштирок этиш;

– долзарб мавзуларда фатволар эълон қилиш;

– мавзуга оид китоблар, буклетлар ва бошқа шаклдаги босма материаллар нашр этиш.

Жумладан, ҳар ҳафта диний идора вакиллари иштирокида “Ўзбекистон” марказий телеканали орқали Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Зиё медиа маркази” билан ҳамкорликда “Ҳидоят”, “Эътикод мустаҳкамлиги йўлида”, “Имом Бухорий сабоқлари” ва “Ислом зиёси”, “Маданият ва маърифат” телеканаллари эса “Маърифий суҳбатлар: долзарб мавзуларга муносабат” телекўрсатувлари эфирга узатилади.

Мазкур кўрсатувларда жамиятда тинчлик ва барқарорликни авайлаб-асраш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, радикал оқимларнинг сохта ғояларига раддия бериш, маърифий ислом ғояларини тарғиб этиш каби мавзуларга бағишланган туркум давра суҳбатлари бериб борилади.

Ушбу кўрсатувлар фуқароларнинг диний соҳадаги давлат сиёсатига бўлган ишончни оширишга ҳамда аҳоли, айниқса ёшларни мутаассиб ғоялар таъсирига тушишдан сақлашга хизмат қилмоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда Интернетдаги ижтимоий тармоқлар ахборот тарқатишининг энг муҳим манбалардан бирига айланди. Ушбу контекстда ЎМИ томонидан “виртуал макон”ни диний мавзудаги контентини маърифий ислом ғоялари билан тўлдириш, диний мутаассиблик ва экстремизм таҳдидларидан огоҳ этишга қаратилган кенг қамровли ахборот-тарғибот ишлари олиб борилаётганини қайд этиш лозим.

Жумладан, бугунги кунда ЎМИ тасарруфидаги ташкилотлар ва тизим ходимларининг 60 дан зиёд веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги 1000 дан зиёд канал ва саҳифалар фаолият кўрсатмоқда. Биргина 2022 йилда ушбу сайтлардаги маълумотларни 5.089.013 нафар, ижтимоий тармоқлардаги материалларни эса 9.334.984 нафар одам кўрган.

Шунингдек, ЎМИ раиси, муфтий Н.Холиқназаровнинг маърифий чиқишлари жойлаштирилаётган сайт ва ижтимоий тармоқларнинг обунчалари сони 2,1 миллиондан ошганлиги ҳам диний идора

томонидан Интернетда олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

ЎМИ уламолари томонидан турли ташкилот ва маҳаллаларда экстремизм ғояларига берилишнинг олдини олиш, ёшларни Ватанга садоқат, миллий қадриятларга ҳурмат, диний бағрикенглик руҳида тарбиялашга қаратилган маърифий ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу тадбирларни манзилли шаклда амалга оширишга, хусусан, уюлмаган ёшларни, меҳнат мигрантларини, “Меҳр” операциялари доирасида нотинч ҳудудлардан олиб келинганларни қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, ЎМИ тизимидаги масжидларда фаолият олиб бораётган ходимлар томонидан 2022 йил давомида 215000 зиёд диний-маърифий тадбирлар ва яқка тартибдаги суҳбатлар ташкил этилди.

ЎМИнинг даврий нашрлари бўлган “Ҳидоят”, “Мўминалар” ойлик журналлари ва “Ислом нури” газетасида “Ёшлар тарбияси”, “Огоҳлик – давр талаби” рукнлари остида ёшларни илм ва ҳалол касб-ҳунар эгаллашга тарғиб этувчи, уларда ватанпарварлик ва бағрикенглик хислатларини мустаҳкамлаш, бузғунчи мафкуралардан огоҳлантиришга қаратилган мавзуларни ёритиб бориш йўлга қўйилган. Фақат 2022 йилнинг ўзида диний идоранинг даврий нашрларида қайд этилган мавзуларда 100 дан зиёд мақолалар чоп этилди.

ЎМИ тизимидаги масжидларда жума маърузаларида диний мавзулар билан бир қаторда ижтимоий барқарорликни авайлаб-асраш, жамиятга диний бағрикенглик ғояларини сингдириш, фуқароларни диний асосда радикаллашувдан сақлаш каби масалалар тизимли равишда ёритиб борилади.

Шунингдек, имом-хатиблар томонидан масжидларда кунлик намозлардан сўнг диний-маърифий суҳбатлар ўтказиш жорий қилинганини алоҳида қайд этиш лозим. Суҳбатларда ҳанафийлик мазҳабининг мўътадил асослари, исломдаги “ҳижрат”, “жиҳод” каби тушунчалар, шунингдек, ёш авлодни илмга, ватанпарварлик ва бағрикенгликка тарғиб қилишга, жамиятда учраётган ижтимоий иллатларни олдини олишга бағишланган мавзулар муҳокама қилинмоқда.

Жамиятда радикал ғоялар тарқалишини олдини олишда аввал шу каби содир этган жиноятлари учун жазо ўтаб келган шахслар билан ўтказилаётган ижтимоий реабилитация ишлари муҳим ўрин тутди. ЎМИ тизимидаги имом-хатиблар манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари билан ҳамкорликда ижтимоий кўмакка муҳтож тоифага мансуб шахслар билан уларни радикал диний қарашлардан воз кечиш ва хулқларини яхши томонга ўзгартиришга қаратилган диний-маърифий тарбия ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларини амалга оширмоқда.

Сўнгги йилларда диний идора ҳузуридаги Фатво маркази радикализм ва экстремизм ғояларига қарши курашда ҳанафийлик мазҳаби ва мотуридия ақидаси асосида самарали фаолият олиб бормоқда. Марказ томонидан эълон қилинган “Ҳижрат ва унга тегишли ҳукмлар ҳақида фатво”, “Мусулмонни кофир деб ҳукм чиқаришнинг хатарли экани ҳақида фатво”, “Ўз-ўзини турли йўллар билан қасддан ўлдиришнинг оғир гуноҳ эканлиги ҳақида фатво”, “Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ёшларни илмга йўналтириш ҳақида фатвоси” мусулмонлар томонидан ижобий қабул қилинди.

Бундан ташқари, Фатво маркази томонидан радикал оқимлар томонидан илгари сурилаётган сохта даъволарга жавобан видеоролик шаклида раддиялар бериш йўлга қўйилган. Хусусан, 2022 йилда “Кимлар фатво беришга ҳақли?”, “Мазҳабсизлик – Ислом шариятига таҳдид солаётган энг хатарли бидъатдир!”, “Салафийларнинг сохта даъволарига учманг!”, “Мусулмонни кофирга чиқариш хатари!”, “Исломда бағрикенглик” каби мавзуларда роликлар тайёрланиб, ижтимоий тармоқларда кенг тарқатилди.

Аҳолини диний мутаассиблик ва экстремизм таҳдидларидан огоҳ этиш, мутасадди ташкилотлар вакилларининг тегишли малакасини оширишда мавзуга оид китоблар, қўлланмалар, шунингдек, буклетлар ва таркатма материаллар муҳим аҳамият касб этади. ЎМИ томонидан диний мутаассиблик, экстремизм ва терроризмга қарши кураш, ватанпарварлик, маърифий ислом мавзуларида босма материаллар фаол чоп этиб келинмоқда.

Бу каби материаллар қаторида диний идора томонидан нашр этилиб, маърифий тадбирларда кенг тарқатиб келинаётган “Исломда Ватан тушунчаси”, “Сохта салафийларнинг саёз сабоғи”, “Диний-маърифий ва ижтимоий-маънавий соҳа тарғиботчилари учун айрим атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати” номли китобларни, “Ҳизбут-таҳрир” фитнасида оғоҳлантириш”, “Хорижга чиқаётган Ўзбекистон фуқароларига эслатма!”, “Ҳизбут-таҳрир фитнасида оғоҳ бўлинг!”, “Сохта салафийларнинг ижтимоий хатарлари”, “Интернетдаги таҳдидлардан оғоҳ бўлинг!” номли буклетларни қайд этиш мумкин [9;10;11;12].

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бугунги кунда ЎМИ томонидан аҳолига соф ислом маърифатини тушунтириш, дин ниқобидаги радикализм ва экстремизм ғоялари таъсиридан сақлаш, фуқароларда бузғунчи ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш, экстремистик ва террорчи ташкилотлар таркибида содир этган жинояти учун жазо ўтаб келган шахслар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоийлаштириш йўналишларида кенг кўламли ва муҳим ижтимоий фаолият олиб борилмоқда.

ЎМИнинг замонавий шароитларда радикализм ва экстремизмга қарши кураш самарадорлигини ошириш учун қуйидагилар таклиф этилади:

- ЎМИ Фатво Марказида амалдаги “Колл-марказ” хизмати тажрибасидан келиб чиққан ҳолда фуқаролар учун диний мутаассиблик, экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўналишида “Ишонч телефонлари” фаолиятини йўлга қўйиш;

- хориждаги мигрантлар орасида радикал ғояларнинг тарқалишини олдини олишга қаратилган диний-маърифий тадбирларни доимий асосда ташкил этиш мақсадида Россия, Туркия, Миср, Жанубий Корея каби мамлакатларда ЎМИнинг доимий вакилининг фаолиятини йўлга қўйиш;

- ЎМИ уламоларининг ахборот-мафкуравий кураш малакаларини ошириш мақсадида Мисрдаги экстремизмга қарши курашиш “Марсад” обсерваторияси, Саудия

Арабистонидаги Муҳаммад бин Наиф номидаги консултив-медиа реабилитация маркази каби экстремизм ва терроризмга қарши кураш марказларида тажриба ўтаб келишини ташкил этиш;

– ЎМИ ҳузуридаги Фатво маркази уламолари томонидан “Қалтис саволларга ҳолис жавоблар” рукни остида радикализм ва экстремизм ғояларига қарши мазмунда тайёрланган ақида, мазҳаб ва раддия йўналишидаги савол-жавоблар, тематик машғулотларни Интернетдаги диний идора тизимида тегишли электрон манзиллар, ижтимоий тармоқларда онлайн шаклда тарқатиб боришни ташкил этиш.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // “Хабар.уз” сайти, 21.12.2022 й.
2. Политологический словарь. В 2-х ч. // Под ред. Мигуляева А. Ч. П. – М., 1994. – С. 45.
3. Бороздин А., Сацута А. Политология в понятиях, категориях и персоналиях: словарь-справочник. – М., 2012. – С. 56.
4. Хоровинников А. Экстремизм как социальное явление (философский анализ): автореф. дис. ... канд. философ. наук. – Саратов, 2007. – С. 7–8.
5. Махмадиев Н. Социальные корни религиозного экстремизма в Таджикистане: автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – Душанбе, 2012 – 14 с.
6. Белый О. Психолого-политическая стабильность молодежи – гарант защиты от экстремизма // Теория и практика общественного развития. 2012. № 3. – С. 77–81.
7. Кузьмин А. Профилактика экстремизма в процессе организации социально-культурного взаимодействия // Вестник Тамбовского университета. Серия Гуманитарные науки. – Тамбов, 2011. Вып. 8 (100). – С. 153.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Т. 3. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2002. – 704 б.
9. Муфтий Нуриддин домла Холикназаров. Исломда Ватан тушунчаси [Матн] / Муфтий Нуриддин домла Холикназаров. – Тошкент: “Shamsuddinxon Boboxonov” НМИУ, 2022. – 160 б.
10. Зайриев А., Қудратуллоҳ Э. Сохта салафийларнинг саёз сабоғи [Матн]: диний-маърифий / Тошкент: “Shamsuddinxon Boboxonov” НМИУ, 2022. – 300 б.
11. Диний-маърифий ва ижтимоий-маънавий соҳа тарғиботчилари учун айрим атама ва тушунчаларнинг изоҳли луғати [Матн] / Ўткир Ҳасанбаев. – Тошкент: “Shamsuddinxon Boboxonov” nashryot-matbaa ijodiy uyi, 2020. – 608 б.
12. “Ҳизбут-таҳрир” фитнасида оғоҳлантириш / Таҳрир ҳайъати: Усмонхон Алимов, шайх Абдулазиз Мансур, Анвар Турсун ва бошқ; Ўзбекистон мусулмонлари идораси; масъул муҳаррир шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: “Movarounnahr”, 2015. – 232 б.